

ЕР СОЛИҒИ

- ✓ Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари республика ҳудудлари кесимида **1 гектар** учун мутлақ ўлчамда **1,1 фоизга** индексация қилинди.
- ✓ Бунда ер солиғи ставкаларининг аниқ миқдорлари туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб **вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари** томонидан **0,5** дан **2,0** гача бўлган **камайтирувчи** ва **оширувчи** коэффициентларни қўллаган ҳолда, **туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари** томонидан ҳудудларда жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида **0,7** дан **3,0** гача бўлган **камайтирувчи** ва **оширувчи** коэффициентларни қўллаган ҳолда белгиланади.
- ✓ Қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, шунингдек ипак курти етиштиришда фойдаланиладиган бинолар ва иншоотлар жойлашган ерлар (бундан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланилаётган ер участкаларида жойлашган ва имтиёзлар татбиқ этиладиган объектлар мустасно) учун солиқ халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан **0,2 коэффициент** қўлланилган ҳолда тўланади;

- ✓ СКнинг **428-моддаси 3-қисми** янги тахрирга кўра, янги барпо этилаётган боғлар эгаллаган ер участкалари учун солиқ ставкалари **50 фоизга** камайтирилди. Эски тахрирда тўлиқ озод қилинган эди. Шунингдек, иқтисодий жихатдан самарасиз ва ҳосилдорлиги паст деб топилган боғлар ва токзорлар эгаллаган ер участкалари ўрнида **ўн икки ой ичида янги боғлар ва токзорлар барпо этилмаганда** ер солиғи уч баравар оширилган ставкада тўланади.
- ✓ СКнинг **429-моддаси 5-қисми** тўлдирилди унга кўра ер тоифаси қишлоқ хўжалигидан ташқари бошқа тоифада **“саноат”** бўлиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғи тўлиқ “ноқишлоқ” тоифада тўлаб келинган. Кирилган ўзгаришга асосан ушбу тоифадаги корхоналар ер солиғини **0,2 коэффициент** қўллаган ҳолда тўлайди.
 - **Мисол учун:** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар **1 гектар** ер майдони учун ўртача **30.0 млн.сўм** солиқ тўлаган бўлса эндиликда **6.0 млн.сўм** тўлайди.
 - Мазкур ўзгариш **2024 йил 1 январдан** эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

- ✓ Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг **икки баравари** миқдорида тўланади.
- ✓ **СКнинг 429-моддаси 12-қисми** чиқариб ташланди. Унга кўра қишлоқ хўжалиги корхоналари шаҳарларда жойлашган қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг **икки баравари (0,95*2=1,9%)** миқдорида ер солиғи тўланар эди.
 - Эндиликда мазкур норма бекор қилиниб, шаҳарларда жойлашган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ҳам солиқ ставкаси бир баравар яъни **0,95 фоизда** миқдорда тўланади.
 - Мазкур ўзгаришга мувофиқ, 2 мингга яқин солиқ тўловчиларнинг **7.1 млрд.сўм** солиқ суммаси ихтиёрида қолади.



Davlat
Soliq
Xizmati

✓ **Юридик шахслар 100 кВтгача - қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатганда** фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан **уч йил муддатга**, қуёш панеллари қувватидан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини тўплаш тизими мавжуд бўлган қуёш панеллари ўрнатилганда эса **ўн йил муддатга** ер ва мулк солиқларидан озод қилинадилар.

Жисмоний шахслар ўрнатганда ҳам худди шу тартибда имтиёз қўлланилади. Бунда мол-мулк солиғи бўйича имтиёздан 750 минг сўм, ер солиғи бўйича— 375 минг сўмдан ошмаган миқдорда имтиёздан фойдалади.

✓ шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари учун **2 баравар** миқдорда ер солиғини ҳисоблаш тартиби бекор қилинди.

✓ **2025 йил 1 январдан** бошлаб янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар учун **ер солиғи бўйича имтиёзни бекор қилган ҳолда**, солиқ ставкаси **50 фоизга** камайтирилган ҳолда қўлланилади,

✓ **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини** етиштириш ва сақлашга мўлжалланган бино ва иншоотлар жойлашган ерларга ер солиғини ҳисоблаш ноқишлоқ ерлар учун белгиланган ставкага **0,2 коэффицент қўллаган** ҳолда амалга оширилади.

*Солиқ хизмати - инсофли
солиқ тўловчиларнинг
ишончли ҳамкори*

100011, Тошкент шаҳри, Абдулла
Қодирий кўч, 13а-уй
тел: 71-244-98-69

www.soliq.uz

ЕР СОЛИҒИ

2025

**Солиқ солишдаги
асосий ўзгаришлар**

www.soliq.uz